

Якшанба куни эрталабки тоат-ибодатдан сўнг икки авлиё – улардан бирини Онето, иккинчисини Котиб деб аташарди – “Миллер” фирмасининг кора чарм сирилган оромкурсиларига кулайгина жойлашиб олиб, пастга – Ерга карадилар-да, бу ажойиб-гаройиб одамлар кавми нималар билан машгуллигини аниклашга уриндилар. – Менга шуни айт-чи, Котиб, – сўради авлиё Онето узок муддатлик сукунатдан кейин, – сен ўз хаётингда бахтли эдингми?

– Шуюм гап бўлибди-ю! – кулиб жавоб килди хамсухбати. – Ерда ҳеч ким бахтли бўлолмаслигини билиб туриб сўрайсан-а!

Шундай дея у чўнтагидан бир кути “Малборо” чикарди.

– Чекасанми?

– Раҳмат, бажонидил, – деди авлиё Онето, – одатда эрталаблари ўзимни чекишдан тияман-ку, бироқ бугун байрам шарафига... Хар калай, ўйлашимча, айрим холларда... – Сен ўзинг-чи, шу “бахт” деганларини акалли бирон марта хис килганмисан? – унинг гапини бўлди Котиб.

– Ўзим-ку, хис килмаганман, бироқ аминманки...

– Яхшиси, сен анавиларга кара, кара! – хитоб килди авлиё Котиб, пастга имлаб. – Улар бир неча миллиард, бугун якшанба, бунинг устига, айни субҳидам – энг ёқимли пайт, об-хавонинг хам яхшилигини кара – офтоб чараклаб турибди, бироқ жазирама эмас, майин шабада, дарахтлар билан ўт-ўланларнинг айни гуллаб-яшнаган пайти. Устига устак, уларнинг Ерида “иктисодий мўъжиза” – гўё барча мурод-максадига етган. Хўп, ўша миллиардлар орасидан акалли биттагина бахтиёр одамни кўрсат-чи менга, акалли биттасини – ундан кўпини талаб хам килмайман. Агар топиб бера олсанг, сени койилмаком тушлик билан мехмон киламан.

– Яхши, – деди Онето ва шошилмасдан нигоҳи билан пастдаги чумоли уясидек гужгон ўйнаган митти сайёрани элак-елақ кила бошлади. Бирданига омаднинг кулиб бокишига умид килиш кулгили эди: бу ишда камида бир неча кунлик серзахмат тадқиқот юритиш керак бўлади. У буни яхши тушунарди, бироқ барибир таваккал килишга тўғри келади. Котиб мийигида кулганича унинг харакатларини диққат билан кузатиб турди (мийигида кулгиси захарханда эмас, бегараз кулги эди, акс холда унинг нимаси авлиё бўлди!)

– Омадни кара, топганга ўхшайман! – Онето оромкурсидан сапчиб туриб бирданига кичкириб юборди.

– Кани, каерда?

– Ана, майдонда! – шундай дея адирликдаги оддий бир шахарчани бармоғи билан нуқиб кўрсатди. – Ана, одамлар черковдан чиқиб келяпти-ку... ана, кизалокни кўряпсанми?

– Оёкчалари кийшиқ кизалокми?

– Ха-ха... Факат диққат билан кара, назардан кочирма.

Ростдан хам огир хасталикдан кейин тўрт яшар Нореттининг оёкчалари андақ кийшиқ, ингичка, нимжон бўлиб колган эди. Уни онаси кўлидан етаклаб кетаётган эди. Кўринишларидан камбагалгина оила экани аник-равшан сезилиб турар эди. Тўғри, кизалокнинг эгнида гул кадалган оппоқкина якшанбалиқ кўйлақ эди, лекин бу хам онага, афтидан, анчагина кимматга тушгани аён эди.

Черков эшиги олди гул сотувчилар билан гавжум эди. Айримлари авлиёлар тасвирланган иконалар ва медалларни сотмокда, афтидан, шахарнинг авлиё хомийсига бағишланган байрам нишонланмокда эди. Бошка бирлари хаво шари билан савдо килаётганди. Унинг

бош устида турли рангдаги хаво шарчаларининг ажиб гулдастаси муаллак парвоз килиб турар ва салгина эпкинда гўзал тебранар эди.

Мана, кизалок хаво шарчалари сотувчисининг олдида котиб колди-да, онасига буткул мулзам килувчи бир табассум билан унсиз илтижога лимо-лим кўзларини кадади. Бу карашда шунаканги кизгин хошиш-истак, шунаканги калб изтироби ва иштиёки зухурланиб турар эдики, каршисида дўзах хукмдори ҳам чидаёлмай колган бўларди. Эхтимол, бундай фавкулудда кучга факатгина бола нигохи эга бўлади (балки калтак еган итнинг нигохи ҳам!), чунки улар кичкинтой, заиф-ожиз ва маъсум-бегубордирлар. Шунинг учун ҳам рухшунослик илмини яхшигина биладиган авлиё Онето кизалокка эътибор қаратди. У шундай мулохаза юритди: шарчага эга бўлиш истаги шу қадар кучлики, агар Худо бериб онаси бу истакни қондирса, кизалок, шак-шубхасиз, бахтли бўлади – эхтимол бу бахт узок давом этмас, кўпи билан бир-икки соатга чўзилар, лекин барибир у чинакамига бахтли бўлади. Ана ўшанда у гаровда енгиб чиқади.

Авлиё Онето пастда, шахарча майдонидаги манзарани аниқ кузата оларди, бироқ кизалок онасига нима дегани-ю, онаси унга нима деб жавоб қилганини эшитолмасди. Бу ҳеч ким ҳеч қачон тушунтириб беролмайдиган галати зиддият эди: жаннатдаги авлиёлар баайни қудратли телескопдан қараётгандек ер юзида нималар бўлаётганини аниқ-тиник кўриб турардилар. Бироқ ердаги шовкин-сурон, бакир-чакир, умуман, товуш ва овозлар тепага етиб келмасди (ҳар қалай, кейинроқ амин бўламизки, фавкулудда камдан-кам учрайдиган ҳолатлар бундан мустасно). Бу авлиёларнинг асаб тизимини кўча ҳаракатларининг ёввойи шовкин-суронларидан асраб-авайлаш мақсадида кўрилган чора бўлса керак-да.

Она Нореттининг кўлчасини силтади, шунда Онето дафъатан каттик кўркиб кетди. Чунки одамлар орасида анчагина кенг тарқалган кабиҳлик қонуниятига мувофиқ равишда ҳаммаси қутилганига батамом зид яқун топмоғи мумкин эди.

Зотан, Нореттининг маъсум нигоҳларида аён кўриниб турган сидқидил ўтинч олдида жаҳоннинг энг мустаҳкам зирх билан қопланган лашкарлари ҳам ожиз қолишлари муқаррар эди, аммо-лекин муҳтожлик бундан истисно. Муҳтожлик унга бемалол бардош бериши мумкин: хувиллаган бўм-бўш чўнтақда юрак ҳам, меҳр-шафқат ҳам йўқ!

Қандайдир бир кичкинтой кизалокнинг дарди-дунёси, хошиш-истаги билан ҳисоблашиб ўтирадимиз у!

Яхшиямки, Нореттини ўрнидан кўзготишга онанинг қучи етмади. Кизалок ўша-ўша онасидан кўз узмай тикилиб тураверди ва бу карашнинг қучи, агар бунақаси мумкин бўлса, янада қатъиятлироқ, янада қайсарроқ моҳият қасб этди. Авлиё кўрдикки, она сотувчига нимадир деб, қўлида бир неча қақаларни санади-да, узатди. Кизалок эса, жажжи бармоқчаси билан оч-сарик шарчага ишора қилди. Сотувчи боғламдаги энг таранг, энг қиройли бир шарни чиқариб узатди.

Энди Норетти онаси билан ёнма-ён одимлар экан, ўзига ишонмай кўзларини катта-катта очиб, қадамларига мос равишда ипча устида қувнаб сакраётган шарчага термуларди. Ана шунда авлиё Онето қув табассум қилиб авлиё Котибни тирсағи билан туртиб имлади. Котиб ҳам табассум қилди: авлиёлар гаровда ҳамиша ютқазмишга тайёр, агарда бу инсоний ғам-қулфатни зигирча қамайтира олса!

Сен қимсан, эй Норетти, яқшанба қуни субҳидамда қадрдон шахарча майдонини қўлидаги шарча билан қесиш ўтаётган кизалок? Сен – черқовдан чиқиб қелиб, бахтиёрликдан порлаб турган қелинқасан, сен – эришилган қалабани нишонлаётган малиқасан, сен – хайратдан ўзлигини йўқотган оломон елкасига қўтарган қояда гўзал

ва хушовоз хонандасан, сен – оламдаги энг бой ва гўзал аёлсан, сен – улкан ва бахтиёр мухаббат, гул, мусика, ой, ўрмон ва куёшсан, сен – шуларнинг барчасисан... Чунки оддийгина бир шиширилган шарча сени шундай бахтиёр кила олди. Ва сенинг бемажол бетоб оёгинг энди касал эмас, энди у Олимпиадада лавр гулчамбарига бурканган ёшгина спорт устасининг чайир ва чопкир оёги!

Авлиёлар оромкурсининг тирсаклагичи оша она билан кизалокни кузатишда давом этдилар: улар бутун сахар бўйлаб ўтиб, чеккадаги гариблар махалласига кирдилар. Она уйга кириб кетди – унинг ишлари кўп эди – Норетти эса, шарча ипини кўлида махкам тутган кўйи тош устига ўтирди-да, нигохларини шардан йўловчиларга кўчирди, афтидан, барча бебахо хазинасига хавас билан қараётгандек туюлди. Гарчи куёш нурлари хўмрайишган баланд бинолар орасида қолган бу жинкўчага тушмаса-да, кизалокнинг табиатан унчалик чиройли бўлмаган, лекин ойдин рухсори атрофни ёриштириб-нурафшон қилиб турар эди.

Кизининг ёнидан уч нафар болақай ўтаётганида, гарчи ўтакетган безори бўлсалар-да, хаттоки уларни ҳам қандайдир бир қуч кизалокка ўгирилиб қарашга мажбур қилди. Кизалок ҳам уларга қараб қолди. Шунда учовлондан бири ниҳоятда табиий бир ҳаракат билан лабида тутаб турган тамақини олди-да, уни хаво шарчасига босди. Шарча пак этиб ёрилиб, халигина осмони-фалакка мағрур бўй чўзган ип учидаги бужмайиб шаклини йўқотган бир ховуч елимча билан бирга кизалокнинг тиззасига қелиб тушди.

Норетти нима бўлганини дафъатан тушунмади ва овозлари борича хохлаб қулган кўйи қочиб кетаётган уч такасалтаннинг ортидан ханг-манг бўлиб қараб қолди. Ниҳоят, шарчасининг энди йўқлигини, ҳаётидаги ягона қувончидан маҳрум этишганини англаб етди. Юзчаси галати тарзда тиришиб, уни енгиллатиш имконсиз бўлган оғир дард-алам қамраб олди.

У шундай хўнграб йигладики, худди мутлақо тузалмас дахшатли фожеа рўй берган-да, энди уни ҳеч нима билан овутиб бўлмайди. Осойишта жаннат маъволарига, халигина айтганимиздек, ердаги шовкин-суронлар етиб бормас эди: на мотор товушлари, на ўқ овози, на одамларнинг ох-фарёдлари, на атом бомбасининг портлаши... Бирок кизалокнинг жон-жаҳди билан юраги ўртаниб йиглаши жаннатнинг барча бурчакларида эшитилди ва уни бутун таг-туғи билан ларзага келтирди. Гарчи жаннат абадий осойишталик ва шодлик маскани дея тўғри айтилса-да, ҳар қалай, ҳамма нарсанинг чеки-чегараси бор! Адолат қосбонлари инсон изтиробларига лоқайд қарашлари мумкинми, ахир!

Шарчага боғлиқ лавҳа оромижон хузур-халоват оғушига чўмган авлиёлар учун қутилмаган зарба бўлди. Мангу ёруглиқ салтанати устида соя пайдо бўлиб, юракларни беихтиёр эзиб юборди. Кизалок қайгусини қандай қилиб аритиш мумкин?

Авлиё Котиб ўз дўсти Онетого жимгина тикилди.

– Нақадар қабихлик! – хитоб қилди авлиё Онето ва эндигина тутатган тамақини улоқтириб юборди.

Ерга тушар экан, у ўзидан узун, мўъжизавий жилваланган ёруг из қолдирди. Ва пастда – ерда кўпчилик яна учар ликопчалар ҳақида гапира бошладилар.

Рус тилидан ОТАУЛИ таржимаси

«Шарк юлдузи» журналининг 4-сонидан олинди.

